

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди
№ _____
2009 йил «__» _____

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг
2009 йил «__» _____ даги
«__» -сонли буйруғи билан
тасдиқланган

МАХСУС ФИЛОЛОГИЯГА КИРИШ
(АРАБ ТИЛИ)
фанининг

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	200 000	гуманитар фанлар ва
		санъат
Таълим соҳаси:	220000	гуманитар фанлар
Таълим	5220100	Филология (шарқ тиллари)
йўналиши:		бакалаврият таълим
		йўналиши учун

Тошкент – 2009

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-услубий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2009 йил «___» _____ даги «___» -сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент давлат шарқшунослик институтида ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

Маматохунова Д.Қ.

–“Араб филологияси” кафедраси
катта ўқитувчиси

Такризчилар

Қодиров Т.Ш

–Тошкент давлат
шарқшунослик институти “Араб
филологияси” кафедраси доценти,
ф.ф.н.

Ҳасанов М.

–Тошкент ислом университети
“Шарқ тиллари” кафедраси катта
ўқитувчи

Фаннинг ўқув дастури Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий-услубий кенгашида тасвир қилинган (2009йил _____даги «___» -сонли баённома)

Кириш

Араб филологиясига кириш фанини ўқитиш ҳозирги илм-фан тараққиёти даврида долзарб масаладир. Ушбу фан араб тилшунослиги масалаларини ҳал қилишда хом-сом тиллари ҳақида билимга эга бўлишда, араб адабий тили ва адабиётининг пайдо бўлиши ва тараққиёт босқичларини ўрганишда ҳамда араб мамлакатларидаги тил сиёсати ва арабшунослик масалалари тўғрисида етарлича билимга эга бўлиш учун илмий йўналиш беради.

Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари

Фанни ўқитишдан **мақсад** – талабаларда араб адабий тили, араб ёзуви ва араб адабиётининг пайдо бўлиши, араб филологиясининг тарихий ривожланиши ва унинг жамият тараққиёти билан алоқадорлиги ҳақидаги билим, кўникма ва малакани шакллантиришдир.

Фаннинг **вазифаси** – талабаларга араб тилида ёзилган илмий, бадиий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий адабиётларни ҳамда оммавий ахборот воситаларини ўқий олишга, тушинишга ҳамда араб тилининг жаҳон тиллари орасидаги ўрнини билишга, умуман арабшунослик соҳасига оид билимларни ўргатишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

“Махсус филологияга кириш (араб тили)” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида арабшунос филологи бакалавр қуйидаги талабларга ва билимларга эга бўлиши керак.

- Филология хусусан араб филологияси ва унинг вазифалари ҳақидаги маълумотларни, хом-сом тиллари оиласи ҳақида ва уларнинг ривожланиш босқичларини ҳамда ўхшаш томонларини, қадимий ва ҳозирги замондаги араб давлатлари ҳақидаги маълумотга эга бўлиши керак. Арабшунослик бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борган олимлар ҳақида **билиш керак**;

- Араб адабий тили, унинг пайдо бўлиши ва ривожланиш давлари ҳақида, араб ёзуви, унинг турлари, адабиёти ва араб

шеъвалари ҳақидаги дастлабки **кўникмаларни ҳосил қилиш керак;**

- Арабшунослик бўйича чиқадиган нашрлардан хабардор бўлиши, ўқиш жараёнида араб тилидаги илмий ва бадий адабиёт намуналаридан, араб тилида нашр қилинган рўзнома ва ойномалардан, замонавий компьютер дарсларидан фойдалана олиш **малакаларига эга бўлиши керак;**

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

“Махсус филологияга кириш (араб тили)” предмети асосий ихтисослик фанларидан бири ҳисобланиб, 3-семестрда ўқитишга мўлжалланган. Дастурни амалга ошириш учун ва етарли билимларни ҳосил қилиш учун талабалардан “Махсус филологияга кириш (араб тили)” дарсидан ташқари ўқув режасида режалаштирилган куйидаги ўқув моддаларидан етарлича билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади:

Гуманитар ва ижтимоий – иқтисодий (Ўзбекистон тарихи, ғарб тили, ўзбек тили) математек ва табиий ва илмий фанлар (география, этнография) умум касбий (тилшуносликка кириш, умумий тилшунослик, қўшимча шарқ тили ва в.б) ва ихтисослик фанлари (асосий шарқ тили, АШТ назарий грамматикаси в.б)дан етарли билим ҳамда кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

Фаннинг гуманитар фанлар тизимидаги ўрни

Ушбу фан арабшунос педагогларни ва илмий тадқиқотчиларни тайёрлашда бошқа гуманитар фанлар қатори жуда катта аҳамият касб этади. Бой илмий-адабий меросни халқимизга етказиш учун эркин ва соғлом фикрли, Ватанга ва ўз халқига садоқатли, маънавий–ахлоқий пок, илми-маърифатга интилувчан, жисмонан бақувват ва тараққиёт тарафдори бўлмиш кадрлар тайёрлаш давримиз талабидир. Бу эса араб филологиясига кириш фанини ўқитишни тақозо этади. Шунинг учун араб филологиясига кириш фани ихтисослик фани ҳисобланади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Араб филологиясига кириш фанини талабалар томонидан яхши ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг замонавий усулларидан фойдаланиш ҳамда янги информацион-педагогик технологияларни дарс жараёнида татбиқ этиш катта аҳамият касб этади. Янги мавзуларни ёритишда гуруҳли фикрлаш, диаграмма, ақлий ҳужум, доира, кластер, зинама-зина ва чархпалак кабиле педагогик технологиялардан фойдаланилади.

Асосий қисм

Фаннинг назарий машғулоти мазмуни

Филология ҳақида умумий маълумот. Филология, унинг предмети ва вазифаси. Филологик фанлар мажмуаси, араб филологиясининг фан сифатида ўрганилиши. Унинг тараққиёти ва бошқа фанлар билан алоқадорлиги. Хом – сом тиллари оиласи. Сомий тиллари. Араб адабий тилининг ва ёзувининг пайдо бўлиши. Араб мамлакатларида тил ҳолати. Араб адабиётининг ривожланиш давлари. Европа, Россия ва Ўзбекистонда арабшунослик ривожининг асосий босқичлари тўғрисида умумий маълумотлар.

Филология ҳақида умумий маълумот

Филология ҳақида умумий маълумот. Филология, унинг предмети ва вазифаси. Филологик фанлар мажмуаси, араб филологиясининг фан сифатида ўрганилиши. Унинг тараққиёти ва бошқа фанлар билан алоқадорлиги. Араб халифалигида араб маданияти ва араб тилининг тутган ўрни.

Хом – сом тиллари оиласи

Хом – сом тиллари оиласи ҳақида умумий маълумотлар ва тараққиёт босқичлари, хом – сом тиллари оиласининг тармоқланиши ва ўхшаш томонлари. Сомий тиллари ва уларнинг тармоқланиши. Сомий тиллари яқинлигининг асосий белгилари ва хусусиятлари. Жонли сомий тилари. Араб тилининг жаҳон тиллари орасида тутган ўрни.

Араб адабий тилининг пайдо бўлиши

Арабларнинг қадимий давлатлари ва уларнинг араб тили ривожига қўшган ҳиссаси. Араб ёзувининг келиб чиқиши ва унинг турлари. Араб адабий тилининг пайдо бўлишида қадимги араб оғзаки ижодиёти ва Қуръони каримнинг тутган ўрни. Араб адабий тилининг ривожланиш давлари. Ҳозирги замонда араб адабий тилининг вазифаси

Араб мамлакатларида тил ҳолати.

Араб тилининг истёъмолда мавжуд бўлган турлари. Классик араб тили , замонавий араб тили, кундалик сўзлашув тили ва араб тили лаҳжалари ҳақида умумий маълумот. Араб китобот усулининг ривожланиши ва унинг араб филологияси ривожига ёрдамчи бўлиши. Замонавий араб адабий тилининг муоммолари.

Араб адабиётининг ривожланиш давлари.

Араб китобот усулининг пайдо бўлиши ва ривожланишининг биринчи даври (Мухаммад с.а.в. давлари, хулофои – рошидинлар ва уммийлар даври) Аббосийлар даври адабиётининг гуллаб яшнаши Кеч ўрта аср араб адабиётининг асосий ёдгорликлари (XIII-XVIII) Араб тили ва адабиётининг араб мамлакатларидан ташқарида ўрганилиши

Европа, Россия ва Ўзбекистонда арабшунослик ривожининг асосий босқичлари.

Европа ва Россияда арабшунослик марказларининг фаолияти. И.Ю. Крачковский, Ҳ.К. Баранов ва бошқалар ҳаёти ва илмий фаолияти. Ўзбекистонда араб филологияси Б.З. Ҳолидов, У Каримов, Н Иброҳимов ва Э Талабов ҳаёти ва илмий изланишлари. Ўзбекистонда араб тилининг ўқитилиши

Амалий машғулотларни этиш этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар тавсия эилган мавзулар бўйича баҳс-мунозара, оғзаки суҳбат, ёзма топшириқ, тест саволлари ва оғзаки ҳамда ёзма савол-жавоблар орқали ўтказилади.

Амалий дарсларда кўзда тутилган мавзулар:

1. Араб филологияси-шарқшунослик фани.

2. Араб тилининг сомий тил тармоғидаги ўрни. Шимолий чет, шимолий марказий сомий тармоғи. Жанубий чет ва жанубий марказий сомий тармоғи.

3. Классик араб тили ҳамда замонавий араб адабий тилининг ўзига хос хусусиятлари.

4. Араб адабий тилининг ривожланиш босқичлари ва унинг тараққиёти. Арабистон ярим оролидаги араб қабилалари ва араб давлатлари.

5. Араб ёзувининг пайдо бўлиши ва унинг тараққиёти ҳақида умумий маълумот.

6. Ўрта аср араб адабиёти ҳақида VIII-XII аср.

7. Замонавий араб адабиёти вакиллари ва уларнинг ижодий фаолияти.

8. Чет элларда араб тили ва адабиётини ўрганиш.

9. Араб тилининг шеъвалари. Миср, Тунис, Жазоир ва Кувейтдаги тил ҳолатлари.

10. Араб мамлакатларида араб тилин ўқитиш. Сурия, Ливан, Миср.

11. Марказий Осиёлик арабшунос олимлар ҳаёти ва ижоди. Арабшунослик бўйича чиқадиган нашрлар.

Мустақил ишларни этиш этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил иш жараёнида талабалар бевосита ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни эгаллайдилар.

- бунда улар янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлишлари;

- керакли маълумотларни излаб топишнинг қулай усуллари ва воситаларини аниқлашлари;

- ахборот манбалари ва манзилларидан самарали фойдаланишлари;

- анъанавий ўқув ва илмий адабиётлари билан ишлашлари;

- электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлашлари;

- интернет тармоғидан фойдаланишлари;

- маълумотлар базасини таҳлил этишлари;
- ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослашлари ва мутахассислар жамоасида ҳимоя қилишлари керак бўлади.

Мустақил ишларнинг мавзулари:

1. Шарқда ренессанс (уйғониш) IX-XII аср;
2. Араб наҳвининг яратилиш тарихи;
3. Немис арабшунос олимларининг араб грамматикаси ҳақидаги илмий қарашлари.
4. Куфа ва Басра тилшунослик мактабларининг фаолияти;
5. Қуръон классик араб тилида ёзилган биринчи манба;
6. Абул Асвад ад-Дуалий ҳаёти ва ижоди;
7. Ал-Ҳалил ибн Аҳмад ҳаёти ва ижоди;
8. Байтул-ҳикма – “Донолар уйи”нинг фаолияти ва унинг араб тили ривожига қўшган ҳиссаси.
9. Марказий осийлик наҳви олимлар: Маҳмуд Замахшарий ҳаёти ва ижоди;
10. Имруль-Қайс қасида жанрининг асосчиси;
11. Араб мамлакатларида анъанавийлик ва замонавийлик масалалари XX асрнинг иккинчи ярми;
12. Сурия ва Ливияда анъанавийлик ва замонавийлик масалалари XX-XXI аср;
13. Миср Араб Республикаси араблаштириш сиёсати 1970-80 йиллар;
14. Тунис ва Суданда тил ҳолати XX аср.
15. Эҳсон Аббос замонавий тилшунос олим;
16. Миср Араб Республикасида олий таълим тизими;
17. Сурия Араб Республикасида араб тилини ўқитиш;
18. Х.К.Баранов ҳаёти ва ижоди;
19. И.Ю.Крачковский ҳаёти ва ижоди;
20. Б.З.Холидов ҳаёти ва ижоди;
21. Замонавий араб адабиётидан намуналар тўплаш.

Дастурнинг информатсион услубий таъминоти

Ушбу фанни ўрганиш давомида ўқитишнинг замонавий усуллари ва ахборот технологияларини қўллаш кўзда тутилган.

- махсус филологияга кириш (араб тили) фанининг мавзуларини ўзлаштиришда компьютер технологиялари кўмагида тақдирот ва электрон дидактик воситалар қўлланилади.

- мавзуларни ўзлаштиришда дарслик, ўқув қўлланмалар, слайдлар ва тарқатма материаллардан унумли фойдаланилади;

- буюк арабшунослар ҳамда нахвчи олимлар ҳаёти ва ижодини ўрганиш мавзуини ёритишда компьютер технологиялари кўмагида тақдирот ва ўқитишнинг янги педагогик технологиялари қўлланилади.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Белова А.Г. “Введение в арабскую филологию” М., 2006.
2. Белова А.Г. “Семитское языкознание в России ” М., Восток-2004 №
3. Дьяконов И.М. «Языки древней Средней Азии». М. 1967, 1972.
4. Дьяконов И.М. «Семито-хамитский языки». М., 1965.
5. Звегенцев В. А. «История арабского языкознания». Краткий очерк. М., 1958.
6. Ибрагимов Н.И. «Позднесредневековый арабский книжной эпос». Т., 1994.
7. Ирисов А. «Тошкентда арабшунослик». Т., 1964.
8. «Имом ал-Бухорий сабоқлари». Т., 2003. № 4.
9. «Имом ал-Бухорий сабоқлари». Т., 2005. № 2, 3.
10. Конрад Н.И. «Старое востоковедение и его новые задачи». М., 1972, -с.7-28.
11. Кирпиченко В.Н. Сафронов В.В. «История египетской литературы» М., 2002.
12. Маматохунова Д.Қ. “Араб филологиясига кириш” Т., 2002.
13. Носирова М.А. «М.Замахшарийнинг “Ал- Унмузаж фи-н-нахв ” рисоласи» Т., 2005.
14. Носирова М.А. “Ўрта аср араб нахвидан намуналар” Т., 2004.

15. Рыбалкин В.С. «Арабская лингвистическая традиция». 2000.
16. Шарбатов Г.В. «Соотношение арабского литературного языка и современных арабских диалектов». М., 1966.
17. Шагаль Б.Э. «Арабский мир». М., 2001.
18. www.al-islam.org
19. www.almeshkat.com
20. www.drmosad.com
21. www.el-eman.com
22. www.equran.org
23. www.islom.uz
24. www.islamweb.net
25. www.freequran.org
26. www.russarabbc.ru

Қўшимча адабиётлар

1. Абдулазиз Мансур «Қуръон Карим». Т., 2001.
2. Белова А.Г. «История арабского языка». Курс лекций. М., 1979.
3. Белкин В.М. «К истории становления современного арабского литературного языка». 1968, -с. 33-40
4. Имомхўжаев О. «Араб ёзуви ҳақида рисола». ТошДШИ. 1998.
5. Иброҳимов Н.И. «Муқаддас китоблар» Шарқ машғали. Т., 1992
6. Ковалев А.А., Шарбатов Г.Ш. «Учебник арабского языка». М., 1998.
7. Рождественский Ю.В. «Введение в общую филологию». М., 1979.
8. Сулаймонова Ф. «Шарқ ва Ғарб». Т., 1998.
9. Фильштинский И.М., Шифдар Б.Я. «Очерки арабо-мусульманской культуры». М., 1971, -с.4-11.
10. Хасанов А.А. «Меккей, Мадина, Верования арабов накануне возникновения ислама». Т., 1994.
11. Хасанов А.А. «Қадимги Арабистон ва илк ислом жоҳилия асри». Т., 2001.
12. Шагаль В.З. «Языковой аспект национальных процессов в арабских странах» М., 1987.

13. www.fundarabist.ru
14. www.google.com.eg
15. www.khayma.com
16. www.quran.uz
17. www.quran.al-islam.com
18. www.quran.org
19. www.qurancomplex.com
20. www.quraan.com